


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680–16.02.2018.
ISSN № 2181–9017

М У Н Д А Р И Ж А

БЕРУНИЙ ЎҚИШЛАРИ

Сўзбоши 3

1. **Аҳмедов А.** Беруний асарларини варақлаб 5
2. **Атаходжаев А.** Абу Райҳон Беруний-нинг қадимги зардуштий тақвимларини тиклашдаги ўрни 12
3. **Ahmad A.** Abu Rayhan al-Biruni as an Indologist: Views and Reviews 22
4. **Машарипова Г.** Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар 28
5. **Хандамова М.** Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 36
6. **Маҳмудов О.** Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида 42
6. **Абдуллаев Б.** Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари 50
7. **Абдуллажанова Н.** Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир 57
8. **Ёқубов Ф.** Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида 69

10. **Куранбаева У**. Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Фиҳрист”идаги асарлар хусусида 75
11. **Равшанова М.** Проблема формирования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин..... 85

ЮБИЛЯРИМИЗ

1. **Жуманазар А.** Залвар (устоз Ашраф Аҳмедовнинг 80 ёшли юбилейига бағишланади) 92

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баходиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

This paper provides a brief historical analysis of the life and activities of Abu Rayhan Biruni based on secondary sources in Russian and Uzbek. The author also discusses the development of the study of Biruni's scholarly legacy.

Keywords. *Abu Rayhan Biruni, historiography, Oriental Studies, Biruni legacy, literatures, sources, Institute of Oriental Studies, methodology.*

Ф. Ёқубов

Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг тарихда яшаб ўтган, бизгача улкан маданий, маънавий мерос қолдирган қомусий олимларимиз, шоирларимиз ва илм фан ривожига ўз ҳиссаларини қўшган барча намояндаларимизнинг илмий ижодий фаолиятларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Тарихдан маълумки, кўплаб олиму донишмандларимиз илм олиш мақсадида, турли мамлакатларга сафарлар уюштириб, янгидан-янги илмий кашфиётлар билан бевосита яқиндан танишган ҳолда салоҳиятларини янада мустаҳкамлаб, ошириб борганлар. Шу билан бирга, улар ўзга шаҳар ва мамлакатларда нафақат илм билан шуғулландилар, балки давлат ишларида ҳам хизмат қилиб, машҳур сиёсий арбоб сифатида тарихда қолдилар. Фикримизнинг исботи тариқасида, дунёга машҳур бўлган Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби ўрта асрнинг буюк алломалари, донишмандларини келтиришимиз мумкин. Бу каби олимларни ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганиш, тарихий фаолиятларини холислик тамойиллари асосида тиклаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Абу Райҳон Беруний 973 йилда Хоразмнинг қадимги Кот шаҳрида туғилиб ижод қилган қомусий олим саналади. У астрономия, география, диншунослик, фалсафа, тарих ва бошқа фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшган ва улар асосида кўплаб илмий асарлар яратган.

Абу Райҳон Беруний ёшлигидан бошлаб илм олишга қизиқиши жуда баланд бўлган. Тарихдан маълумки, қадимдан Хоразмда турли фанлар ривожланган, ўз даврида бир неча илмий марказлар фаолият кўрсатган. Натижада, дунёнинг турли минтақаларидан кўплаб илмга чанқоқ кишилар Хоразмга интеллектуал миграция иштирокчиси сифатида ташриф буюрганлар ва бу илмий тажриба алмашинувга хизмат қилган. Масалан, Беруний ўзининг ёшлиги ҳақида хотирлар экан: "Мен бир Юнонистондан

келиб қолган олимдан турли хил ўсимликларнинг юнончада қандай аталишини сўраб бир дафтарчага батафсил ёзиб борар эдим ва уларни ёдлаб олардим" – деб ёзади [3: 177]. Бошланғич таълимни Хоразм олимларидан олган Берунийни ўша даврда кечаётган сиёсий парокандалик, нотинчлик юртидан кўчиб кетишига мажбур қилади. Бир муддат Каспий денгизи яқинидаги Журжон, кейинроқ Рай шаҳарларига келади, бироқ сиёсий, моддий қийинчиликлар туфайли камбағалликда ҳаёт кечиради. Хусусан, "Осор ал-боқия" асарида Рай шаҳрида бир киши билан астрономияга оид масалалар бўйича баҳслашганида олимнинг ночор аҳволи туфайли беписандлик билан муомала қилганини шундай ёзиб қолдирган: "... орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди холос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонҳол эдим" [1: 22]. У тахминан, 1000-йилларда Қобус ибн Вашмгир ҳукмрониклик қилаётган Журжонга қайтиб келади. Ҳукмдор Берунийга иззат-икром кўрсатиб, унга илм-фан билан шуғулланиши учун барча шароитларни яратиб беради. Ўз навбатида, олим ҳам "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" номли асарини ҳукмдорга бағишлаб, у тўғрисида маълумотлар келтиради. Қобус ибн Вашмгир Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилади, бироқ олим бунга рози бўлмайди [1:7]. Муайян муддатда олим илмий ишлари ва асарлари билан халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлади.

Маълумки, Али ибн Маъмун II томонидан Урганч шаҳрида "Маъмун академияси" ташкил қилинган ва унда ўша пайтданоқ машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, шунингдек, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ каби олимлар тўпланган эди. 1010 йилда Беруний ҳам бу ерга келиб, кўплаб илмий асарларни ўрганади, қимматбаҳо тошлар устида турли тажрибалар ўтказади, кейинчалик эса, "Минералогия" асарини яратади [1: 8].

Академияда кўплаб олимлар билан илмий алоқада бўлади, хусусан, дунёга "Avicenna" номи билар машҳур Ибн Сино билан фанларнинг турли масалалари бўйича мунтазам равишда ёзишмалар олиб боради. Бизгача бу ёзишмаларни фақатгина 18 таси сақланиб қолган [1: 8].

Юксак билим ва иқтидор эгаси бўлган Беруний илмий жараёндан ташқари Маъмун II саройида давлатнинг сиёсий ишларида ҳам маслаҳатчи лавозимида фаолият олиб борган. Бироқ 1017 йилга келиб, Урганчда сиёсий инқироз юз беради, яъни Ғазнавийлар ҳукмдори Маҳмуд (967–1030) Урганчни батомом босиб олади. Довруғи бутун дунёга тарқалган "Маъмун академияси" тугатилиб, у ерда фаолият олиб борган олимларнинг барчаси Ғазна шаҳрига олиб кетилади.

Бу ерда Беруний “Таҳдид ниҳоёт ал-амокин ли тасҳиҳ масофот ал-Масокин” (“Турар-жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охирги чегараларини аниқлаш”), “Машоҳир Хаворизм” (“Хоразмнинг машҳур кишилари”; ёзилган санаси номаълум), “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар” каби бир нечта илмий асарларини ёзиб тугатади.

Орадан кўп ўтмай, Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга ҳарбий юриш бошлайди ва кўплаб олимлар қаторида Берунийни ҳам олиб кетади. У ерда Беруний йирик асарларидан бири бўлмиш “Китобу фи таҳқиқи мо лил ҳинд мин маъқулатин мақбулатин фил ақли ав марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларни аниқлаш” ёки “Ҳиндистон”; 1030 йил) номли асарини ёзади. Бу асарда нафақат ҳиндларга оид, балки ўзи билан боғлиқ воқеалар, хусусан, ҳинд олимлари билан муносабати, “Ҳиндистон” асари ёзилаётган пайтда олим томонидан таржима қилинган ва қилинаётган ҳинд китоблари, ҳинд дўстлари учун Евклид ва Птолемей асарларини санскрит тилига қилган таржималари, баъзи Ҳиндистон шаҳарларининг географик кенгликларини аниқлашига доир маълумотларни ҳам келтириб ўтади [5: 36].

У Ҳиндистонда бўлганида ҳинд тили грамматикасини чуқур ўрганишга жиддий киришади. Бу ҳақда асарида шундай дейди: “Бу тил арабчага ўхшаш узун ва кенгдир. Бу тилда бир нарса, бир қанча ясама сўзлар билан аталади ёки кўп нарсаларга биргина исм бериладиким, алоҳида аниқловчи сифатларсиз сўзнинг маъносини аниқлаб бўлмайди. Фақат сўзнинг боришидан хабардор, гапнинг олди-кетини текшириб борувчи кишигина тушуна олади. Ҳолбуки бу хусусият тилдаги камчиликдир” [6: 14; 2: 32]. Бундан кўринадики, Беруний тилларни ўрганишга жуда катта аҳамият берган ҳамда араб, форс, ҳинд ва бошқа бир қанча тилларни мукаммал билган. Дарҳақиқат, замонасининг буюк арабшуноси бўлган Беруний Маҳмуд Ғазнавий вафотидан кейин тахтга ўтирган унинг ўғли Масъуд Ғазнавийга (1030–1041) араб тили илми бўйича устозлик ҳам қилган [1: 10].

Аллома ҳиндлар ҳақидаги маълумотларни ўрганар экан, таҳлили натижасида бошқа миллатдан ўзларини жуда юқори қўйиб, ер юзидаги барча ҳудудлар уларники эканлигини таъкидлайдилар, дейди: “Ҳиндларнинг табиатларида бахиллик бор, билган нарсаларини ўз аҳлларига эмас, бошқаларга ҳам билдирмайдилар. Ер юзидаги шаҳарлар ҳам, унда яшовчилар ҳам ҳиндларга тегишли, деб биладилар. Ўзларидан бошқада илм бор деб ҳисобламайдилар. Ҳатто биров уларга Хуросонда ёки бошқа вилоятда илм тараққий қилган, фалон олим бор деса, сўзловчини ёлғончи қиладилар ва бу сўзларга ишонмайдилар” [1: 177].

Беруний астрономияга оид илмларни ҳам чуқур ўрганган олим ҳисобланса-да, бу илмларни Ҳиндистондаги олимларнинг мулоҳазалари билан солиштириб, қуйидаги хулосаларга келади: “Юнонлик Паулиса бир жойда ерни шар шаклли, бошқа жойда эса ясси шаклда деган. Иккала гап ҳам тўғри. Чунки ер юмалоқ, диаметри эса тўғридир. Паулиса Ернинг шакли бошқа эмаслигига ишонган, бунга ўзининг кўп сўзи ҳамда Бароҳамиҳира, Орябҳата, Дева, Шрешена каби олимларнинг бир оғиздан ер шар шаклли дейишлари далил бўлган. Агар ер думалоқ бўлмаганида одамлар яшайдиган жойлар кенглиги географик минтақаларга ажралмас, ёзу қишда кеча билан кундуз ўзгармас эди” [6: 27; 2: 210]. Мазкур хулосалардан маълум бўладики, Беруний ўрта асрлардаёқ ернинг ўз ўқи атрофида айланишини исботлаб беролган. Фахрия тарзияда шундай фикр билдирган: “Қадимги олимлар ва улардан кейин етишган фозиллар ернинг ҳаракат қилиш ва қилмаслиги борасида кўп чуқур гапирганлар. Биз “Астрономия калити” исмли китобда, сўзда эмас, амалда улардан кўпроқ гапирдик, деб ўйлаймиз” [6: 27].

Манбаларда Берунийнинг Ҳиндистонда қанча вақт давомида истиқомат қилгани тўғрисида маълумотлар деярли келтирилмаган. Лекин шуниси маълумки, Маҳмуд Ғазнавий “Ҳиндистон” асари ёзиб тугаллангандан кейин, яъни 1030 йилда вафот этган. Беруний умрининг қолган қисмини Ғазнада ўтказган. Бу вақт мобайнида, аниқроғи, 1037 йилда Масъуд Ғазнавийга бағишлаб астрономия ва математикага оид “ал-Қонун ал-Масъудий” (“Масъуд қонуни”) китобини, 1038 йилда қимматбаҳо тошлар тўғрисида батафсил маълумотлар берувчи “Минералогия” асарини, доривор ўсимликлар хусусиятларига доир “Китоб ас-сайдона фи-т-тибб” (“Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”) асарини ҳам ёзиб тугаллаган. У 1048 йилда Ғазна шаҳрида вафот этган.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, ўрта асрлардаги турли ижтимоий, сиёсий вазиятлар тақозоси билан миграция жараёнларида иштирок этган Абу Райҳон Беруний қайси шаҳар ёки мамлакатга бормасин, у жойнинг тилини, урф-одатини ўрганиб, у ердаги олимлар билан мулоқот қилиб, фаннинг турли масалаларидаги баҳсли ўринларда мунозарага киришиб, унга илмий ечим беришга ҳаракат қилган. Ҳиндистонга амалга оширган саёҳати давомида жойнинг географияси, тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганиб, ўзининг ижтимоий мобиллик даражасини оширган. Шу билан бирга, унинг бизга қолдирган улкан мероси бўлмиш “Ҳиндистон” асари нафақат ҳинд, балки дунё олимларини ҳам лол қолдирди. Чунончи, ҳинд олими ва сиёсий арбоби Жаваҳарлал Неру бу ҳақда шундай фикр билдирган: “Юнон фалсафасини ўрганган Беруний, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун санскрит тилини ҳам ўзлаштирди.

Ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, улардаги умумийликдан ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материални қамраб олиш билан бирга, уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, илм аҳллари ўз ишларини давом эттирганлигини кўрсатади. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўла туриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушунтиришга ҳаракат қилади" [7: 246]. Бу таърифдан кўринадики, ўша пайтдаги Ҳиндистон бўйлаб кечаётган нотинч вазият, Берунийнинг бу ўлкага миграция жараёнини амалга оширишига тўсиқ бўлмади. Аксинча, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб ўтиши унинг илмий салоҳиятини ошишига ҳамда машҳур қомусий олим сифатида камол топишига хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар / Таржимон: А. Расулов. Изоҳларни И. Абдуллаев ва А. Расулов тузган. Масъул муҳаррирлар: И. Абдуллаев ва О. Файзуллаев. Т. I. Тошкент, 1968.
2. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ҳиндистон / Арабчадан А. Расулов, Ю. Ҳакимжонов ва Ғ. Жалолов таржимаси. Масъул муҳаррирлар: Ғ. Жалолов ва А. Ирисов. Т. II. Тошкент, 1965.
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар / Масъул муҳаррир С. Ҳ. Сирожиддинов. Муқаддима, таржима ва изоҳлар А. Аҳмедовники. Т. III. Тошкент,1982.
4. Бируний – ўрта асрнинг буюк олими. (Бируний вафотининг 900 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами) / В.Ю. Зоҳидов таҳрири остида. Тошкент, 1950.
5. Булгаков П.Г. Абу Райҳон Беруний. Тошкент, 1973.
6. Мўминов И. Хоразмлик буюк энциклопедист олим. Тошкент, 1973.
7. Неру Дж. Открытие Индии (The Discovery of India). Москва, 1955.

Ф. Ёқубов

Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида

Ушбу мақолада интеллектуал миграция омилининг ўрта аср машҳур мутафаккири Абу Райҳон Берунийнинг олим сифатида шаклланиши ва илмий фаолиятига таъсири таҳлил этилган. Хусусан, Берунийнинг ўз юрти – Кот шаҳрини тарк этиши ва унинг сабаблари, Урганч шаҳрида ташкил

қилинган “Маъмун академияси”даги қисқа фаолияти, Ғазнада кечган ҳаёти ёритилган. Шунингдек, бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудида кечган сиёсий жараёнлар, ўзаро ички кураш ва сулолалар алмашинуви Беруний ҳаётининг асосий қисмини хорижий мамлакатларда ўтказишга мажбур қилгани, бироқ бу жараённинг аллома ижодига ижобий таъсири, айниқса, Ҳиндистон сафари чоғида санскрит тилини ўрганиши, мазкур халқ тарихи, урф-одати ҳамда маданиятини ҳикоя қилувчи шу номдаги асарининг яратилиши миграция контекстида ёрқин далиллар билан кўрсатилган.

Калит сўзлар: *Абу Райҳон Беруний, интеллектуал миграция, ижтимоий мобиллик, Маъмун академияси, Хоразм, Ғазна, Ҳиндистон.*

Ф. Якубов

Жизнь и научная деятельность Абу Райхана Беруни в контексте интеллектуальной миграции

В данной статье анализируется влияние интеллектуальной миграции на научную деятельность средневекового мыслителя Абу Райхана Беруни и становление его в качестве выдающего ученого. В частности, рассматривается причина его переезда в город Кат, его кратковременная научная деятельность в академии Маъмун, расположенной в городе Ургенч и жизнь в городе Газна. Также изучены политические процессы, внутренняя борьба и смена династий в тот период в Мавераннахре и Хорасане, вынудившие Бируни провести основную часть своей жизни за границей. Однако, этот процесс положительно повлиял на творчество учёного, особенно, изучение им санскрита во время поездки в Индию и написание книги “Индия”, рассказывающей об истории, обычаях и культуре индийского народа, что может послужить ярким примером интеллектуальной миграции.

Ключевые слова: *Абу Райхан Беруни, интеллектуальная миграция, социальная мобильность, академия Маъмуна, Хорезм, Газна, Индия.*

F. Yokubov

The life and works of Abu Rayhan Biruni in the context of intellectual migration

This article analyzes the impact of the intellectual migration on the scholarly activities of the medieval thinker Abu Rayhan al-Biruni and his

emergence as an outstanding scholar. In particular, the author explores Biruni's reason for leaving his homeland for the city of Kat, his short-term scholarly activity at the Ma'mun Academy in the city of Urgench and his life in the city of Ghazna. The political instabilities, internal conflicts and change of dynasties during this period in the territories of Mavarannahr and Khorasan forced Biruni to spend most of his life abroad. However, this process positively affected Biruni's work as examined in the context of intellectual migration. For instance, Biruni mastered Sanskrit during his trip to India and the eventual completion of his seminal work "India" about the history, customs and cultures of the Indian people.

Keyworlds: *Al-Biruni, intellectual migration, social mobility, Ma'mun Academy, Khwarazm, Ghazna, India*

.

У. Куранбаева

Абу Райҳон Берунийнинг "ал-Фиҳрист"идаги асарлари хусусида

Қомусий олим сифатида дунё аҳли эҳтиромига сазовор бўлган, Хоразм диёрининг фарзанди Абу Райҳон Беруний 973–1048 йилларда яшаб, фаолият юритган.

Машҳур шарқшунос олим, академик И.Ю. Крачковский (1883–1951) Беруний меросига юксак баҳо бериб: "У шуғулланган фан соҳаларини санаб ўтишдан кўра, шуғулланмаган соҳасини кўрсатиш осонроқ" дейиши бежиз эмас [22: 247]. Чунки, Беруний турли соҳаларда қалам тебратиб, ўзи тузган "ал-Фиҳрист"ига 113 та асари номини киритган, улардан 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси география ва геодезияга, 3 таси минералогияга, 4 таси картографияга оид. Олим бундан кейин 13 йил яшаган ва бу давр ичида яна 50 та китоб ёзган [24: 21].

Маълумки, П. Краус (1904–1944), Д. Буало (тав. XIX аср ох.), А.Беленицкий (1904–1993), П. Булгаков (1927–1993) каби берунийшунослар тадқиқотларида олимнинг асарлари сони 106, 113, 146, 180 та тарзида турлича ифодаланади [29: 43; 27: 170; 19: 285–286; 21: 289]. Аслида Беруний "Фиҳрист" ("Библиография")ида унинг нечта асари зикр этилгану, тадқиқотчилар юқоридаги сонларни қайси манба асосида қайд этишмоқда? Мақолада мазкур масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Абу Райҳон Беруний ўз пайтида салафи бўлмиш фалсафа, кимё, тиб ва табиий фанлар бўйича йирик олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (865–925) асарлари рўйхатини тузиб, "Фиҳрист кутуб Муҳаммад